

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН

Л.П.Узоқова, М.Х.Гаппарова, М.М.Содиқова

Бухоро муҳандислик-технология институти

Мустакиллик шарофати билан кўпгина ёшлар бнлим ва идрокларини кенг намоён килмоқдалар. Ёшлар - бу катта куч. Хар кандай жамият уларнинг мақсадига эхтиёж сезади. Ёшларга, уларнинг таълим-тарбиясига, ижтимоий ҳаракатига, жамиятда тутаетган урнига катта эътибор каратилди. Кейинги йилларда хар томонлама камол топган ёшларни излаб топиш, истеъдодларни куллаб-кувватлашга каратилган мухим Конунлар кабул килинди. “Таълим тугрисида”, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” шулар жумласидандир. Укувчи-талабаларни, изланувчан олимларни. умуман ёшларни қўллаб-кувватловчи жамғармаларни оладиган бўлсак. Хар йили юзлаб ёшлар дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўқиб, малака ошириб кайтмоқдалар. Ёшларнинг фаолиятларини тугри йуналтириш мақсадида талай ишлар амалга оширилди.

И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “Истикболимиз, икболимиз кўзи билан қараганда, хам иқтисод, хам сиёсат, хам маънавият нуктаи назаридан бу сарф-харажатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат хар кандай харажатларни коплаши ва оклаши муқаррар”.

Таълим давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йуналишларидан бири бўлиб, унга устивор вазифа сифатида эътибор каратилмоқда. Бу соҳада сарфланаётган маблағлар миқдори йил сайин сезиларли даражада ошиб бормоқда. Ана шундай самарали ишлар каторида иктидорли укувчи ва талабаларни қўллаб-кувватлаш хамда ривожлантириш. уларнинг ижодий таълим фаолиятини рағбатлаширишга каратилган давлат чора-тадбирлари хам мухим ўрин тутмоқда. Шунингдек бугунги куида турли жамғармалар, болалар ижод уйлари, турли кўрик ва фан олимпиадалари, стипендиялар таъсис этилган. Кўплаб давлат ўқув юртларида бепул овкат, дарсликлар, кийимлар берилмоқда, стипендиялар туланмоқда.

Килинаётган амалий ишлардан шундай хулосага келиш мумкинки таълим соҳасига сарф килинадиган маблағни аямаслик керак, чунки бу соҳага килинган

харажатлар миқдори бнр неча марта купайиб жамият хазинасига кайтади. Чунки, бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараккиёти шундай боскичга кутарилганки, энди унга харбий кудрат эмас, балки интеллектуал салохият ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар хал қилувчи ахамият касб этади. Шундай экан, ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсақгина, олдимизга куйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараккиёт қарор топади. “Таълим ва уни ислох этишга сарфланган маблағ зое кетмайди, - деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислам Каримов, - аксинча жамиятимизни муваффақиятли ва изчил ислох этиш учун кудратли. таъсирчан омил оқлади, пироварднда "портлаш эффекти"ни беради.

...жамият шу қадар қучли тараккиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас”. Буюк аждодимиз Юсуф Хос Хожиб алоҳида таъкидлаганидек: “Ўқув қайда булса, улуглик булар, билим қайда булса, буюклик булар”.

Хулоса урнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳеч шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар мамлакатимиз келажагининг эгаси булган ёш авлодни, юксак интеллектуал салохиятли жамиятни шакллантириш йулида мустаҳкам пойдевор булиб хизмат қилишига амин ишонамиз.